



## ҚАРОР

577 -К

«5» сентябрь 2007 йил

Лойиш шаҳарчаси Зарафшон кўчасида  
1997 йилда аҳолига якка тартибдаги уй  
жой қурилишига ажратиб берилган ер  
майdonларини қайта расмийлаштириб  
бериш ҳақида

Туман ҳокимлиги томонидан вилоят ҳокимининг 2007 йил 28-февралдаги  
37-К сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда аввалги  
йилларда якка тартибдаги уй – жой қуриш учун ер участкалари олиб,  
ҳозиргача қурмасдан келаётган фуқароларнинг ер участкаларини аниқлаш ва  
комиссия томонидан 2007 йил 11-апрелда тузилган далолатномасини кўриб  
чиқиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Лойиш шаҳарчаси Зарафшон кўчасида туман ҳокимини 1997 йил 10-  
мартдаги 56-қ сонли қарори билан аҳолига якка тартибдаги уй-жой қуриш  
учун ажратиб берилган ер майдонидан ҳозирги кунгача қурилиш ишларини  
бошламаган фуқаролар: Ашуров Азаматнинг ер участкасини фуқаро  
Холмуродова Гулчехрага, Эшмуродов Раҳимнинг ер участкасини фуқаро  
Салоҳиддинова Ферузага, Эшхужаев Хамиднинг ер участкасини фуқаро  
Худоёрова Сайёрага, Мажидова Галинанинг ер участкасини фуқаро  
Яхшибоев Зафарга, Эргашев Зоҳиднинг ер участкасини фуқаро Муқимова  
Бустонга, Галиулин Шамилнинг ер участкасини фуқаро Маликова  
Бахтинисога уй – жой қуриш учун 0,06 га ер майдони расмийлаштириб  
берилсин.

2. Туман бош архитектори С.Абдурахмоновга уй-жойларни қайта  
расмийлаштирилган фуқароларга замонавий лойиҳалар асосида уй-жойларни  
қуришни назоратга олиш топширилсин.

2. Мазкур қарорни ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг  
биринчи ўринбосари Ш.Нарзиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Н.Бердибоев